

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSs.27.06.2020. Ped.26.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВА ЗАРИФАХОН МУҲАММАДСОЛИЕВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Pedagogical  
sciences**

**Маматқулова Зарифахон Муҳаммадсолиевна**

Малака ошириш жараёнларида ўқитувчиларда педагогик тафаккурни  
ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш.....5

**Маматқулова Зарифахон Муҳаммадсолиевна**

Разработка технологии развития педагогического мышления учителей в  
процессе повышения квалификации.....21

**Mamatkulova Zarifakhon Muxammadsoliyevna**

Formation of technologies in the process of improving and formation pedagogical  
thinking.....36

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works .....40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSs.27.06.2020. Ped.26.01.РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВА ЗАРИФАХОН МУҲАММАДСОЛИЕВНА**

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2017.2.PhD/Ped109 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маҳкамов Улфат Илхомович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Халиков Аъзам Абдусаломович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги  
DSs.27.06.2020. Ped.26.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 09 соат 8  
даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор  
кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 256-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32;

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 09 да тарқатилди.  
(2021 йил «13» 09 даги 23 рақамли регистр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳонда креатив фикрлайдиган замонавий ўқитувчилар тайёрлаш, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришнинг модулли технологиялари таълим фаолиятига татбиқ этилмоқда. Буюк Британия, Германия, АҚШ каби хорижий мамлакатларда, узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчилар педагогик тафаккурини ривожлантириш, таълим олувчиларнинг касбий фаолияти ва ижодий қобилиятларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида инновацион технологиялар воситасида таълим жараёнларини такомиллаштириш, ўқитиш усуллари ва методларини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг диагностика қобилиятларини ривожлантириш, бошқарув малакаларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таълим коммуникациялари, педагогик технологиялар, педагогик тафаккурни ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш, таълим жараёнларининг концептуал йўналишларини белгилаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўқитувчилар малакасини ошириш ҳудудий марказларида таълим тизимини модернизациялаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ўқув марказлари, кўшма таълим йўналишлари, олий таълим муассасалари филиалларини ташкил қилиш, хорижий давлатларда стажировка ўташнинг меъёрий асослари яратилди. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш...”<sup>1</sup>, таълим тизими соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг ўқув фаолиятида креатив ёндашувни шакллантириш, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, соҳага оид

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узлуксиз таълим тизимида малака ошириш муаммоларини А.А.Абдуқодиров, Д.Рўзиева, Ж.Ғ.Йўлдошев; умумий ўрта таълим мактаблари педагогик ходимларининг малакасини ошириш муаммоларини С.Т.Турғунов, Ш.Қ.Мардонов, Н.А.Муслимов, Н.Ҳ.Раҳмонқулова, И.Тайлоқов, Ш.С.Шодмонова ва бошқалар тадқиқ этган. Х. Бобомирзаев, М.Г. Давлетшин, С.Жалилова, М.Э.Зуфарова, Х.И. Ибрагимов, У.А.Йўлдошев, Э.Ғозиев ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида тафаккур ривожланишининг психологик томонлари; Б.Зиямухамедов, С.Зиямухамедова, М.Х.Усмонбоева, Н.Саидахмедов, Ў.Қ.Толипов, М.Тажиев, Э.Худайкулов, И.М.Ғозиева кабиларнинг ишларида педагогик технология, унинг таълим жараёнида қўлланиши ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари: Ю.К.Бабанский, М.В.Волкова, Л.В.Голиш, В.В. Краевский, Б.Р.Мандель, Е.К.Осипова, Ю.В.Сенько, М.Г.Ярошевский узлуксиз таълим тизимидаги раҳбар ходимлар малакасини ошириш масалаларини; Б.П.Андронов, В.П.Беспалько, М.В.Кларин – педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш; О.С.Анисимов, Р.И.Герасимова, М.М.Кашапов, Ю.Н.Кулюткин, Б.Т.Лихачев, В.К.Маригодов, Л.А.Савенкова, Ю.В.Сенько ва бошқалар ўқитувчи педагогик тафаккурини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этган.

Хорижий мамлакатлар олимлари D.Jonassen, K.Lewin, T.Mayes, R.Macaleese, A.N.Maslow, A.Middleton, R.L.Cooper, M.A.Hassan, R.Haswell, S.M.Holloway, F.Heider тадқиқотларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш масалалари илмий тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган ПЗ-20170923121 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» номли амалий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

малака ошириш жараёнида инновациялар, илғор таълим шакллари, ахборот янгиликлари, педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш асосида ўқитувчиларда педагогик тафаккур функцияларини шахсга

йўналтиришни такомиллаштириш;

замонавий инновациялар, педагогик, дидактик, методик ёндашувлар асосида малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашнинг концептуал йўналишларини ривожлантириш;

малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш асосида таълимнинг мазмун-моҳияти, унинг имкониятларини ва натижаларини такомиллаштиришга оид касбий тайёргарлик усуллари тизимини амалиётга жорий этиш;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг малака оширишдан кейинги фаолиятида “Педагогик тафаккур” марказида таълим методлари, воситалари асосида оптималлаштирилган назарий-методик имкониятларни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малака ошириш жараёнларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни танланиб, тажриба-синовда Андижон, Наманган, Фаргона малака ошириш ҳудудий малака ошириш марказларининг 300 нафар тингловчиси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** – малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда муаммога доир педагогик, психологик манбаларни таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, расмий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш, сўровнома, тест, семинар-тренинг, суҳбат, интервью, педагогик тажриба-синов, маълумотларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва математик-статистика усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида инновациялар, илғор таълим технологиялари, ахборот янгиликлари имкониятларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик параметрларини аниқлаштириш асосида ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мулоқот, касбий маҳорат, таълимни бошқариш, ижодий ёндашув, мутолаа каби педагогик тафаккур функцияларини шахсга йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

замонавий инновациялар, педагогик, дидактик, методик ёндашувлар асосида малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурининг узлуксизлиги ва узвийлиги «Нутқ ва тафаккур» «Бумеранг», «Резюме», «Касбий-педагогик», «Мулоқот», «Баҳслашув», «Муаммоли таълим», педагогик ижодкорлик, педагогик маҳорат, инновацион таълим, устоз-шогирд каби концептуал йўналишлар, ўз-ўзини баҳолаш ва мунтазам тузатишлар киритиб боришга мослаштирилган педагогик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали ривожлантирилган;

малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш, унинг имкониятлари ва натижаларини такомиллаштириш тайёргарлик тизими касбий ва шахсий сифатларнинг педагогик жиҳатдан

шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари, мустақил таълим, соғлом ва барқарор муҳит яратиш, педагогик адабиётларни ўқиш, мақсадли таълим тадбирларини ўтказиш, очик ва маҳорат дарсларини ташкил этиш, тренинглар, видеодарсларни тайёрлаш, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг малака оширишдан кейинги фаолияти ўқув жараёни субъектларининг акмеологик, ўзгарувчанлик самарадорлигини оширишнинг амалий-технологик тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик имкониятларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш дастури тузилган ва тажриба-синовдан ўтказилган;

Фарғона, Андижон, Наманган, Жиззах вилоятлари педагогик ходимларнинг малакасини ошириш марказида ўқитувчилар педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларига оид «Педагогик тафаккур маркази» фаолияти, машғулотлари жараёнида 300 нафар тингловчининг касбий маҳорати такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида ўқитиш технологиялари, шакл ва методлари, мулоқот, ижодий ёндашув, тажриба алмашиш, танқидий фикрлаш, инновациялар, мустақил таълим каби воситалар асосида тингловчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш тизими (кузатувчанлик, қобилият, ақлий тарбия, фикрлар, ғоялар, қарашлар, билимлар, муносабат, нутқ, идрок, ижодий ёндашув) такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишида қўлланган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбаалардан олингани, ўтказилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари, фойдаланилган метод, восита ва шакллар самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асослангани, ҳулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий асосланган маълумотлар, илмий-методик натижалар, методлар, технологиялар, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, тавсиялардан малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш, сифат ва самарадорликни оширишда фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тингловчилар ва бўлажак ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари, педагоглар, педагогик йўналишда ташкил қилинадиган ўқув машғулотларида, ҳудудий тузилмалар фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Олинган натижалар малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш, ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш, методик салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

малака ошириш жараёнида инновациялар, илғор таълим технологиялари, ахборот янгиликлари имкониятларини таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик параметрларини аниқлаштириш асосида ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мулоқот, касбий маҳорат, таълимни бошқариш, ижодий ёндашув, мутолаа каби педагогик тафаккур функцияларини шахсга йўналтириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар олий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган ДТС ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 01-02/4-1220-сонли маълумотномаси). Натижада, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш, таълим-тарбия мазмуни ва педагогик тафаккур технологияларини танлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

замонавий, инновациялар, педагогик, дидактик, методик ёндашувлар асосида малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини узлуксизлик ва узвийликнинг «Нутқ ва тафаккур» «Бумеранг», «Резюме», «Касбий-педагогик», «Мулоқот», «Баҳслашув», «Муаммоли таълим», педагогик ижодкорлик, педагогик маҳорат, инновацион таълим, устоз-шогирд каби концептуал йўналишлар ўз-ўзини баҳолаш ва мунтазам тузатишлар киритиб боришга мослаштирилган педагогик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали ривожлантиришга оид таклифлар 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. 2020 йил 5 октябрдаги №89-03-3706-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчининг касбий маҳорати, мустақил таълим эгаллаши, билим олиши, мантикий фикрлаш даражаси ошган;

малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш, унинг имкониятларини ва натижаларини такомиллаштириш тайёргарлик тизимининг касбий ва шахсий сифатларнинг педагогик жиҳатдан шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари мустақил таълим, соғлом ва барқарор муҳит яратиш, педагогик адабиётлар ўқиш, мақсадли таълим тадбирларини ўтказиш, очик ва маҳорат дарсларини ташкил этиш, тренинглари, видеодарсларни тайёрлаш, мультимедиа маҳсулотлари 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. 2020 йил 5 октябрдаги №89-03-3706-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик тафаккурни ривожлантириш сифатини ошириш ҳамда

илғор технологияларини қўллаш имконини берган;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг малака оширишдан кейинги фаолияти ўқув жараёни субъектларининг акмеологик, ўзгарувчанлик самарадорлигини оширишнинг амалий-технологик тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик имкониятларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Умумий педагогика” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. 2020 йил 5 октябрдаги №89-03-3706-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш жараёнларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш мазмуни ва методикаларини такомиллаштириш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар ҳамда диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «**Малака ошириш жараёнида ўқитувчилар педагогик тафаккурини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**», деб номланган бўлиб, унда «педагогик тафаккур» тушунчаси ва унинг моҳияти назарий жиҳатдан асосланган. Адабиётларни таҳлил қилиш асосида педагогик тафаккурни ривожлантириш технологияларининг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамияти кўрсатилган. С.И.Ожеговнинг «Словарь русского языка» китобида таъкидланишича, тафаккур – бу фикрлаш. Инсоннинг ўйлаш, муҳокама қилиш қобилиятлари, ҳақиқат ҳақидаги тушунчалари, қарашлари кабиларни аниқ тасаввур қилиш жараёнларидир.

«Семейное воспитание» луғатида таъкидланишича, тафаккур – бу дунёни инсон томонидан ҳис қилиш, у ёки бу билимларни эгаллаш асосида ривожланиш демакдир. Эгалланган билимлар инсон учун турли ахборотларни, ўзининг режаларини ва одоб дастурларини муваффақиятли қўллаш кўникма ва

малакаларини ривожлантиради.

Э.Ғозиев, Б.Хасанов тафаккурни билимларининг тўпланиши, уларнинг англаниши даражасига мувофиқ равишда фойдаланиш, объектив хусусият касб этувчи яқдил жисмга алоқадор, ижтимоий сабабий ички боғланиш механизмини очишга қаратилган фикрнинг умумийдан хусусийга ва хусусийдан умумийга йуналишининг намоён бўлиши сифатида таърифлаган.

У.И.Иноятгов, Н.А. Муслимов, Д.И. Рўзиева, М.Ҳ. Усмонбоевининг таъкидлашича, таълим ва тарбия бирлиги асосида шахсда тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) ривожланади. Ўқитувчи педагогик тафаккурини ривожлантиришда илмий билимларни ўзлаштириб олиш, фикрлаш кўникмасига эга бўлиш, билимларни эгаллашга бўлган қизиқиш кабилар унинг мезонлари ҳисобланади.

Тафаккур жараёни таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишда, тўғри қарорлар қабул қилишда, ўқитувчи фикрларида, ғояларида, қарашларида ифода қилиниш билан бирга муаммоли вазиятларни ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот ишида ўқитувчи фаолиятида таълим истиқболини кўра олиш, сиёсий, иқтисодий, маънавий, тарихий, ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий тафаккур кабилар илмий асосланган ва уларнинг мазмун моҳияти очиб берилган. Педагогик тафаккур мазмунида янгича идрок қилиш, таълимга янгича ва ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан аниқ ҳаётий, инсоний муносабатда бўлиш, аждодлар меросини ҳурмат қилиш, миллий-маънавий кадриятларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга етказиш масъулиятини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари асосланган.

Малака ошириш жараёнида таълим олаётган тингловчиларда касбий маҳорат, таълимни бошқариш жараёнида сезги, идрок, ижодий фикри, ҳаёл, нутқ, тафаккур кабиларнинг мазмуни ва аҳамияти психологик жиҳатдан такомиллаштирилган. Инновацион таълим технологиялари, креатив ёндашувга эга бўлган янги давр ўқитувчиларини тарбиялаш масалалари назарий жиҳатдан асосланган.

Диссертацияда тафаккур – бу жамият қонунларининг ҳаётда қўлланишини билиш каби ишларни амалга оширишда инсон фаолиятини ифода этишнинг юқори шакли, тафаккурнинг объекти – бутун дунё ҳисобланиши, натижалари инсоннинг билимларида, фикрларида, ғояларида, қарашларида ифода этилиши, фикрлаш фаолиятининг натижалари тафаккур жараёнини янада бойитиши ва ривожлантириши, тафаккур бевосита нутқ билан боғлиқлиги аниқланган. Тил – ҳақиқатни фикрлашда бевосита қурол ҳисобланади. Тафаккур инсонга табиат томонидан берилмайди, шаклланади. Тафаккур “умумлаштириш”, “таҳлил этиш”, “қиёслаш” каби тушунчаларни ўзида мужассам этади. Тафаккур ҳақиқатни ифодалаш ва умумлаштириш хусусиятларини шахс фаолиятида билиш жараёни ҳисобланади. Тафаккурнинг асосий шакллари – тушуниш, муҳокама, хулоса қилиш кабилардир.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккури юзага келган муаммолар ҳақида фаол фикрлаш ва аниқ масалаларни ечиш давомида

шаклланади. Бу эса, ўқитувчининг ўзини англаши асосида бажарилади. Ўқитувчининг ўзини англаши – бу мустақил изланиш, қарорлар қабул қилиш, конструктив усул ва воситаларни қўллаш билан белгиладиган позицияси ҳисобланади. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчининг ҳаётий билимларини аниқлайди. Уни ҳар тарафлама ва яхлит идрок этиш, муаммоларни кўриш ва ечиш имкониятига эга бўлади.

Малака ошириш жараёнида педагогик тафаккурни ривожлантиришда китоб мутолаа қилиш функцияси муҳим ўрин тутаяди. Чунки китоб мутолаа қилиш ўқитувчиларда онг ва тафаккур, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан қизиқиш, ижтимоий фаоллик, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширади. Миллий тарихни, маданий меросни чуқурроқ ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада юксалтиради. Тафаккур дунёда бўлаётган турли хил воқеа-ҳодисаларни теран англаш, ушбу жараёнларни таҳлил қилган ҳолда атрофдагиларга тўғри етказа олиш кўникмасини ривожлантиради.

Диссертацияда малака ошириш жараёнида ўқитувчиларда умуминсоний кадриятларни ривожлантириш функцияси педагогик тафаккурнинг негизи ҳисобланиши қайд этилган. Чунки умуминсоний кадриятларни таълим-тарбия жараёнида амалга ошириш, ўқитувчи, ўқувчиларда миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, тотувликни қарор топтиради. Уларда дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мусаҳкамлайди.

Малака ошириш жараёнида ижод ва педагогик тафаккур узвий равишда бўлиб, ўқитувчиларнинг барча муносабатлари ва жараёнлар фаолиятида илмий-методологик асос сифатида унинг ривожланишини таъминлайди. Бунда аввало индивидуал малака ошириш ва ўқитувчининг интеллектуал фаоллигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки ўқитувчида ҳар бир муаммога индивидуал ёндашиш қобилияти, унинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билан бирга, касбий маданиятини такомиллаштиришда ўз самарасини кўрсатади. Унда ўқитувчи ижодкорлиги ўқувчиларда фанга бўлган фаоллик имкониятларини яратади.

Шунингдек, бобда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш, самарали тизимни яратиш, малака ошириш муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадр билан таъминлаш, малака оширишга халқ таълими ходимларининг талабларини кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш долзарблиги асосланган.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби «**Ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, унда малака ошириш жараёнида педагогик технологиялар асосида ўқитувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш мазмуни, усулларини амалга ошириш, тажрибалар алмашиш, назарий-амалий билимларини эгаллашга оид методлар, шакл ва воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув ва амалий вазифаларни бошқариш, дарсни ташкил қилиш каби жараёнлар такомиллаштирилган.

Малака ошириш жараёнида «Педагогик тафаккур маркази» ни ташкил этиш ва бошқаришда вилоят халқ таълими бўлимлари (ВХТБ), вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари (ВХТХҚТМОҲМ), туман-шаҳар халқ таълими бўлимлари (ТШХТБ) ва умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари, малака ошириш курси тингловчиларининг педагогик онги, тафаккури, дунёқараши, таълим-тарбия жараёнини тубдан, самарали томонга ўзгартириш, инновацион таълимга оид бўлган ғоялар, илғор тажрибалар, замонавий фикрлар ва қарашлар, таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш, интеллектуал фикрлаш, ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини такомиллаштиришдаги амалий аҳамияти асосланган.



1-расм. Ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш натижалари

Малака ошириш жараёнларида ўтказилган «Тафаккур ва нутқ» машғулотида тафаккур ва нутқ тушунчаларини изоҳлаш, шакл ва методларини амалга ошириш асосида ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши ва изланиши касбий маҳорати, таълим-тарбия жараёнида уларнинг маъсулиятини ошириш, педагогика, психология, ижтимоий ва бошқа фанларни чуқур ўрганиш, ижодий изланиш, дунёқараш, фикрлаш, ўзлигини англаш, касбий-педагогик фаолият, идрок ва қобилиятлари, касбий ва маънавий, илмий изланишларнинг ривожланиши касбий фаолиятларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқот ишида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини амалга ошириш жараёнида «Тафаккур ва нутқ» машғулотнинг харитаси, режаси, мазмуни ва методикаси, «Баҳс-мунозара», «Ёзма баҳслар», «Ассесмент», «Скарабей», «Фикрларнинг шиддатли хужуми» каби технологиялар асосида тингловчиларда ижодкорлик, интерфаоллик, мустақиллик, танқидий фикрлаш каби хусусиятлар такомиллаштирилган.

Тадқиқот ишида ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёнида «Педагогик

фаолият – таълим-тарбия тараққиёти», «Педагогик фаолият турлари», «Ўқув фаолиятида ижодий ёндашув», «Таълим технологияси», «Ўқув фаолияти технологияси ва педагогик тафаккурнинг узвийлиги», «Таълим жараёнини бошқаришда ўқитувчи фаолияти», «Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари», «Касбий маданиятни шакллантириш мезонлари», «Инновацион таълим технологиялари» каби мавзулардаги машғулотларда тингловчиларга педагогик тафаккурни ривожлантирувчи топшириқлар бериш, бошқариш, таълим жараёнини лойиҳалаш ва унда фаоллик билан иштирок этиш, ўқув мақсади, мазмуни, педагогик тажриба ва синов ишлари, ўзлаштирилган мавзунини баён қилиш ҳамда таълим жараёнида қўллай олиш, ўз фикрига эга бўлиш имкониятлари такомиллаштирилди ва уларнинг методик таъминоти ривожлантирилди. Ўқитувчиларда педагогик тафаккурни ривожлантириш машғулотида, дарс жараёнинини таҳлил этишда, уларда билиш, мулоқот, касбий маҳорат, таълимни бошқариш, ижодий ёндашиш, умуминсоний кадрларни ривожлантириш, медиатеchnологиялар, индивидуал равишда малака ошириш кабиларни амалга оширишда психологик омиллар (булар: сезги, идрок, ҳаёл, нутқ, тафаккур) такомиллаштирилган.



2-расм. Ўқитувчилар педагогик тафаккурини ривожлантириш шакллари

Ушбу бобда малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологиясига оид муаммоларни ҳал этиш турларини амалга оширишда ижодкорликни ривожлантириш, касбий маданият ва маҳоратни юқори даражага кўтариш мазмуни, усуллари кабиларнинг барча фанларда босқичма-босқич амалга ошириш метод, усул воситалар тизими ва улардан самарали фойдаланишда тингловчининг мустақил ўқиш, билим олиш, фикрлаш, дидактик ўйинларни ўтказиш, ижодий имкониятларни рўёбга чиқариш ва ривожлантиришнинг амалий ечимларини аниқлаш ҳамда амалга ошириш турлари такомиллаштирилган.

Диссертацияда малака ошириш курсидан кейинги фаолият жараёнида ўқитувчилар ўртасида «Педагогик фаолият – таълим-тарбия тараққиёти», «Педагогик фаолият турлари», «Ўқув фаолиятида ижодий ёндашув», «Таълим

технологияси», «Ўқув фаолияти технологияси ва педагогик тафаккурнинг узвийлиги», «Таълим жараёнини бошқаришда ўқитувчи фаолияти», «Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари», «Касбий маданиятни шакллантириш мезонлари» каби мавзулар асосида мунозаралар ўтказиш уларга таълим назарияси ва методикасини ўрганиш имконини яратилиши аниқланган.

Педагогик жараёни ва таълимни инсонпарварлаштириш ўқитувчиларда педагогик тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим усули (механизми) ҳисобланади. Ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар психологик ва касбий ривожланиш субъекти сифатида тўлиқ ҳисоб беришдан ҳоли.

Педагогик тафаккур маънавий, касбий эҳтиёж, қизиқишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўқитувчи фаоллик даражасини ҳамда жамият ва шахснинг қизиқишини юқори бўлишини таъминлайди. Қизиқишларнинг объекти – фан, инсон, муносабат, маданият, урф-одатлар бўлиб, улар ўқитувчи фаолиятида юзага чиқади. Касбий қизиқиш йўналишлари – унинг умумий билим даражаси ва педагогик маданияти, ўқитувчининг бирон бир аниқ фаолиятга мойиллигини кўрсатади. Касбий фаолиятнинг негизини педагогларни тайёрлашдаги ютуқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Малака ошириш жараёнида «Педагогик тафаккур маркази»ни ташкил этиш ва бошқаришда вилоят халқ таълими бўлимлари (ВХТБ), вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази (ВХТХҚТМОҲМ), туман-шаҳар халқ таълими бўлимлари ва умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари, малака ошириш курси тингловчилари масъул ҳисобланадилар. Шу жиҳатдан ҳам, малака ошириш курси тингловчиларининг педагогик онги, тафаккури, дунёқараши таълим-тарбия жараёнини тубдан, самарали томонга ўзгартириш, концептуал аҳамиятга эга бўлган ғоялар, илғор тажрибалар, замонавий фикрлар ва қарашларнинг доимий ривожланишига замин бўлиши керак. «Педагогик тафаккур маркази» ҳозирги кундаги таълим-тарбия мазмуни ва шаклига ижобий таъсир этиши, зарурий ахборот манбаалари билан таълим-тарбия жараёнида бўладиган тортишув, баҳс-мунозараларни ташкил этиш ва таълим лойиҳаларини ишлаб чиқишда интеллектуал фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. «Педагогик тафаккур маркази» ни ташкил этиш ва бошқаришда дидактик тамойиллар билан бирга, миллий ўзлигимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой педагогик тажрибасидан фойдаланиш «Педагог ва унинг маҳорати» деган тушунчанинг марказий ўринда бўлишига эришиш, ноанъанавий таълимни амалга ошириш, ҳар бир дарснинг муқаддас эканлигини таъминлаш кабилар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда вилоят халқ таълими бўлимлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ходимлари масъул бўлиб, малака ошириш тингловчилари, уларнинг фаолияти, ташаббуслари, меҳнати, педагогик кадр-қиммати муқаддас саналиб, барча таълим муассасалари томонидан қўллаб-қувватланиши, ҳар бир масалага масъулиятли ёндашиш, энг мураккаб педагогик вазиятлар ва саволларга ҳам жавоб топиш зарур ҳисобланади.

Малака ошириш жараёнида тахсил олувчиларининг билим, кўникма, малака эгаллашларини такомиллаштириш, интеллектуал ва жисмоний камолотини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, уни инсонпарварлаштириш, ўқув жараёнларига технологияларини жорий этиш, узвийлиги ва узлуксизлигини ривожлантирувчи ва ижтимоийлаштирувчи мақсадларини таъминлаш, ўқитувчиларнинг педагогик билимларга эга бўлиш, креативлигини ошириш мазмуни, шакл ва методлари ривожлантирилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби «**Курсдан кейинги фаолият жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш босқичлари ва тажриба синов ишларининг натижалари**» деб номланган бўлиб, унда малака ошириш курсидан кейинги фаолият жараёнларида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, мустақил ўқиб билим орттириш, илмий, илмий-методик ва илмий- амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан фаол қатнашишлари, ўқитиш технологиясига оид муаммоларни ҳал қилишни амалга оширишда ижодкорликни ривожлантириш, касбий маданият ва маҳоратни юқори даражага кўтариш, психологик-педагогик изланишларни такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнидаги сифат ва самарадорлик босқичлари илмий педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган. Бунда малака ошириш жараёнида ўқитувчилар биринчи босқичда таълим муаммолари ва унинг истиқболлари, хусусиятлари, унинг тарихи, назарияси, технологиясига оид масалалар ўрганилган. Иккинчи босқичда таълим-тарбиянинг методологияси ўқитувчиларнинг педагогик ижодкорлиги ва тафаккури, учинчи босқичда ўқитувчи шахсининг касбий маданияти, мезонлари, унинг маҳорати, хусусиятлари, тўртинчи босқичда ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, муҳокама қилиш ва оммалаштириш ишлари, бешинчи босқичда малака ошириш ҳудудий марказининг педагогик жамоаси билан илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти ва тажрибаларини ўрганиш, тавсиялар тайёрлаш, олтинчи босқичда ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришда мустақил режа асосида ишлаш, мустақил мутолаа қилиш, таълимда инновацион усулларни қўллаш, эркин фикрлаш, уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш ривожлантирилган.

Тажриба-синов ишларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришнинг илмий ва амалий натижаларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ҳар бирида соғлом тафаккурга эгаллик, ижодкорлик ғояларига асосланган касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиш, педагогик фаолиятни инновацион ташкил қилиш, улар тарбиялаётган келажак авлодда юксак маънавий маданиятни шакллантириш муаммоларининг назарий жиҳатлари асосланган.

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқитувчиларда педагогик тафаккурини ривожлантириш самарадорлиги аниқланди. Стъудент-Фишер ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилдик. Тажриба-синовда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ҳудудий марказининг 300 нафар

респондентлар иштирок этди. Шулардан 150 нафар респондент тажриба гуруҳида ва 150 нафар респондент назорат гуруҳида иштирок этдилар. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришда унинг касбий-шахсий тайёргарлик босқичларининг узвийлиги, мустақил таълимнинг, умумий ва малака ошириш тизимининг бирлиги, ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мос равишда малака ошириш тизимининг барча элементларини узлуксиз янгилаш ва амалиётга жорий этиш, таълим сифатини бошқаришнинг самарадор тизимини яратишнинг назарий-методик жиҳатлари, усуллари, шакллари ва технологиялари, дастурлари такомиллаштирилган.

### 1-жадвал

#### Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришнинг миқдор ва фоизлари

ГУРУҲЛАР	Тингловчи	Сони	Фоиз	Сони	Фоиз	Сони	Фоиз
		ПАСТ		ЎРТА		ЮҚОРИ	
Тажриба гуруҳи	150	23	15%	37	25%	90	60%
Назорат гуруҳи	150	28	19%	50	33%	72	48%

